XALQ DEPUTATLARI XO'JAOBOD TUMAN KENGASHI KOTIBIYATI

171400. Xo'jaobod shahar, Uzun ko'cha, tel: (8 374) 741-10-01 faks: 741-21-13, E-maill: xojaobod@andijan.uz

2021 - yil 30 - dekabr VI-91-29-1-27-K/21 Xo'jaobod tumani hokimligi

Хўжаобод тумани бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429- ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида" ги ПФ-6121-сон Фармонининг 1-бандига мувофиқ вилоят молия бош бошқармаси ва давлат солиқ бошқармасининг "қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар" бўйича киритган таклифларини муҳокама этиб, Халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллаш тўғрисида"ги 06/04-01-32/2248 ва 19/10-68220-сонли қўшма хатида қуйидагилар;

Ер солиғининг амалдаги солиқ ставкалари 2022 йилда 1,07 бараварга индексация қилиниши кутилаётганлиги;

Андижон вилояти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 гектар учун 35,0 млн.сўм ва жисмоний шахсларга 1 кв.м учун 320,0 сўм базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилганлиги;

Келгуси йил базавий солиқ ставкасига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллашда кейинги йил маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан келиб чиқиш бўйича тавсиялари маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” миқдорларини белгилаш бўйича туман молия бўлими ҳамда Давлат солиқ инспекциясининг таклифи маъқулансин.

3. Хўжаобод тумани ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари юридик шахслар учун 1-иловага ҳамда жисмоний шахслар учун 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, Хўжаобод тумани давлат солиқ инспекциясига жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин;

4.Халқ депутатлари туман Кенгашига вилоят халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Халқ депутатлари туман Кенгаши ушбу қарорнинг 1-2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига ҳудудларида жойлашган даҳа,

массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаш бўйича муҳокамалар ўтказиб, жорий йилнинг 1 декабрига қадар муҳокамалар якуни бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларни жойлардаги солиқ органларига тақдим этсин.

Бунда, халқ депутатлари туман Кенгашига ушбу қарорнинг 1-2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни келгуси йил учун маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан ҳамда мамлакатимизда иқтисодий фаолликнинг тикланганлиги ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг даромадлари барқарорлашганлигидан келиб чиққан ҳолда қўллашлари тавсия этилади.

6.Хўжаобод туман ҳокимлиги Хўжаобод туман солиқ инпекцияси билан биргаликда 1-, 2-иловага мувофиқ солиқ ставкаларини солиқ тўловчиларга белгиланган муддатларда етказилишини, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

7. Хўжаобод тумани Давлат солиқ инспекцияси (И.Қосимов) ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини 1 январга қадар барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминласин.

8. Хўжаобод тумани Давлат солиқ инспекцияси (И.Қосимов):

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

Солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча заҳираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб борсинлар.

9. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати С.Хамзаев, Ҳақиқат газетаси тахририяти (Т.Шерматов) мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур қарор билан белгиланган солиқ ставкалари 2022 йил 1 январдан кучга киради.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Хўжаобод тумани Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (О.Орифжонов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **З. Ахмадалиев**

Халқ депутатлари Хўжаобод туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-91-29-1-27-K/21-сон қарорига
1-илова

Хўжаобод туманида юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи ставкалари

млн.сўмда

Т/Р	Хўжаобод тумани ҳудудлари *(МФЙ кесимида)*	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси	Халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгаши томонидан қўлланилган камайтирувчи ва оширувчи коэффициент (0,7-3,0)	маҳалла кесимида 1 гектар учун ер солиғи
1	*2*	*3*	*4*	*5*
1	Бахрин МФЙ	19,3	1,0	19,3
2	Сўқалоқ МФЙ	19,3	1,0	19,3
3	Узун кўча МФЙ	19,3	1,0	19,3
4	Шахрихонсой МФЙ	19,3	1,0	19,3
5	Навоий МФЙ	19,3	1,0	19,3
6	Навбахор МФЙ	19,3	1,0	19,3
7	Бобур МФЙ	19,3	1,0	19,3
8	Бешкарам МФЙ	19,3	1,0	19,3
9	Тошота МФЙ	19,3	1,0	19,3
10	Карнайчи МФЙ	19,3	0,8	14,4
11	Бешқавоқ МФЙ	19,3	1,0	19,3
12	Ипакчи МФЙ	19,3	1,0	19,3
13	Солпи МФЙ	19,3	1,0	19,3
14	Саноатчилар МФЙ	19,3	1,0	19,3
15	Кўприкбоши МФЙ	19,3	1,0	19,3
16	Уч-кўча МФЙ	19,3	1,0	19,3
17	Корабулок МФЙ	19,3	1,0	19,3
18	Етмишмерган МФЙ	19,3	1,0	19,3
19	Чимбулок МФЙ	19,3	1,0	19,3
20	Гара гура МФЙ	19,3	1,0	19,3
21	Манак МФЙ	19,3	1,0	19,3
22	Ордай МФЙ	19,3	0,8	14,4
23	Гулистон МФЙ	19,3	1,0	19,3
24	Дилкушод МФЙ	19,3	1,0	19,3
25	Нишоббўйи МФЙ	19,3	1,0	19,3
26	Факиркишлок МФЙ	19,3	0,8	14,6
27	Янги Фаргона МФЙ	19,3	0,8	14,6
28	Тўраобод МФЙ	19,3	0,8	14,6
29	Чирокчи МФЙ	19,3	1,0	19,3
30	Қувватмурод МФЙ	19,3	1,0	19,3
31	Қурама МФЙ	19,3	1,0	19,3
32	Хидирша МФЙ	19,3	1,0	19,3
33	Жоме МФЙ	19,3	1,0	19,3
34	Янги-хаёт МФЙ	19,3	1,0	19,3
35	Саркамиш МФЙ	19,3	1,0	19,3
36	Мустахкам МФЙ	19,3	1,0	19,3
37	Андижон МФЙ	19,3	1,0	19,3
38	Мустақиллик 27 йил	19,3	1,0	19,3

Халқ депутатлари Хўжаобод туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-91-29-1-27-K/21-сон қарорига
2-илова

Хўжаобод туманида жисмоний шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи ставкалари

сўмда

Т/Р	Хўжаобод тумани ҳудудлари *(МФЙ кесимида)*	1 кв.метр учун базавий солиқ ставкаси	Халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгаши томонидан қўлланилган камитирувчи ва оширувчи коэффициент (0,7-3,0)	маҳалла кесимида 1кв.метр учун ер солиғи
1	*2*	*3*	*4*	*5*
1	Бахрин	320,0	1,1	342,4
2	Сўқалоқ	320,0	1,0	320,0
3	Узун кўча	320,0	1,1	342,4
4	Шахрихонсой	320,0	1,0	332,8
5	Навоий	320,0	1,1	342,4
6	Навбахор	320,0	1,1	342,4
7	Бобур	320,0	1,1	342,4
8	Бешкарам	320,0	1,1	342,4
9	Тошота	320,0	0,7	224,0
10	Карнайчи	320,0	0,7	224,0
11	Бешқавоқ	320,0	0,7	224,0
12	Ипакчи	320,0	1,0	320,0
13	Солпи	320,0	1,0	320,0
14	Саноатчилар	320,0	1,0	320,0
15	Кўприкбоши	320,0	1,0	320,0
16	Уч-кўча	320,0	1,0	320,0
17	Корабулок	320,0	1,0	320,0
18	Етмишмерган	320,0	1,0	320,0
19	Чимбулок	320,0	1,0	320,0
20	Гара гура	320,0	1,0	320,0
21	Манак	320,0	1,0	320,0
22	Ордай	320,0	0,7	224,0
23	Гулистон	320,0	1,0	320,0
24	Дилкушод	320,0	1,0	320,0
25	Нишоббўйи	320,0	1,0	320,0
26	Факиркишлок	320,0	1,0	320,0
27	Янги Фаргона	320,0	1,0	320,0
28	Тўраобод	320,0	1,0	320,0
29	Чирокчи	320,0	1,0	320,0
30	Қувватмурод	320,0	0,7	224,0
31	Қурама	320,0	0,8	256,0

32	Хидирша	320,0	0,7	224,0
33	Жоме	320,0	1,1	342,4
34	Янги-хаёт	320,0	1,0	320,0
35	Саркамиш	320,0	0,8	256,0
36	Мустахкам	320,0	1,0	320,0
37	Андижон	320,0	1,1	339,2
38	Мустақиллик 27 йил	320,0	0,8	256,0